



Музаффархон ЖОНИЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси докторанти

ИСТАНБУЛДАГИ ЎЗБЕК ТАКЯЛАРИНИНГ ДИПЛОМАТИК АҲАМИЯТИ

Илгари такялар ибодатгоҳ, диний расм-ру-сумлар амалга ошириладиган жой ва тасаввуфий тарбия маскани бўлиб келган бўлса, кейинчалик ислом адабиёти ва санъати вужудга келиши натижасида маданий маскан сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этган. Такялар XIX асрга келиб нафақат диний-маданий, балки ижтимоий, сиёсий жиҳатдан тарихда муҳим роль ўйнай бошлади.

Дастлаб такялар VIII асрда қурила бошлаган. Улар “даргоҳ”, “хонақоҳ” номлари билан ҳам машҳур бўлиб, асосан ҳаж йўллари гузаргоҳларида жойлашган, яъни, мусофирлар учун меҳмонхона, ибодатгоҳ, дарсхона вазифасини бажарган. XIII асрга келиб такялар муайян бир тариқатларнинг фаолият марказларига айланиб боради. Тафсир, фикҳ, ҳадис каби шариат илмлари мадрасаларда ўрганилган бўлса, ахлоқий ва руҳий тарбия таълими такяларда берилган¹.

Маълумки, Султон Ёвуз Салим (1470–1520) даврида Усманийлар давлати Жануб ва Шарққа томон – Онадўли, Шом, Миср ва Арабистон яриморолига қадар кенгайди ва муҳим қарвон йўллари усмонийлар назорати остига ўтди. Ислом оламининг муқаддас шаҳарлари – Макка, Мадина ва Қуддус шаҳарлари усмонийлар давлати таркибига кириши натижасида ҳаж йўллари ҳам Султонлик ихтиёрида бўлди.

XVIII аср охиридан бошлаб, XX аср бошларига қадар Ўрта Осиё ва Кавказдан ҳажга йўл олган зиёратчиларнинг аксарияти Истанбул шаҳри орқали Ўрта Ер денгизидан кемаларда Мисрга, сўнгра Қизил денгиз ва Жидда, Макка ва Мадина шаҳарларига борар эдилар. Бу

¹ Усманийлар Султонлигида бош вазир вазифасини садри аъзам бажарган (Муаллиф изоҳи).

пайтга келиб Истанбулдан Макка ва Мадинага қадар йўл давомида кўплаб такялар барпо этилганди. Уларда йўловчилар учун маънавий ҳамда жисмоний жиҳатдан ҳордиқ чиқариш учун барча имкониятлар яратилган эди. Дастлаб умумий бўлган такялар XVII–XIII асрларга келиб маълум бир миллат вакиллари ва ҳудудлардан келган тужжорлар, мусофирлар ҳамда дарвишларнинг қўним топадиган масканига айлана бошлади. Мазкур такялар орасида ҳинд, афғон, қозонлик ва эронликлар такялари билан бир қаторда, ўзбек такяларини ҳам учратиш мумкин.

Ўзбек такяларида, асосан, Ўрта Осиёдан борган мусофирлар тунаб қолишган. Истанбулда айнан ўзбек номи билан аталувчи XX асрнинг бошларига қадар фаолият юритган такяларни қисқача санаб ўтсак:

1. Истанбул шаҳрининг Ускудор қисмидаги Султонтепа мавзесидаги ўзбек такяси;
2. Ускудорнинг Булбулдара мавзесидаги ўзбек такяси;
3. Истанбулнинг Султон Аҳмад қисмидаги Меҳметпошо Ёкушу маҳалласидаги ўзбек такяси;
4. Истанбулнинг Айюб мавзесидаги ўзбек такяси;
5. Истанбулнинг Бейларбейи мавзесидаги ўзбек такяси;
6. Истанбулнинг Кадирга портидаги ўзбек такяси.

Юқорида таъкидланганидек, мазкур такялар нафақат диний, балки ижтимоий, сиёсий жиҳатдан тарихда муҳим роль ўйнаган. Хусусан, сиёсий-дипломатик жиҳатдан фаол такялар, асосан, Истанбул шаҳрида жойлашган.

Усманийлар Султонлигининг ниҳоясига қадар Истанбул шаҳрида беш юзга яқин тақялар фаолият юритган. Мазкур тақяларнинг шаҳар ичидаги жойлашувига қараб, уларнинг сиёсий ва ижтимоий нуфузини билиб олиш мумкин. Тақялар ичида ўзбек тақялари давлат аркони билан яқин бўлганлиги ва усманийларнинг Ўрта Осиё хонликлари билан алоқасида муҳим аҳамият касб этган ва пойтахт Истанбул шаҳрининг марказида жойлашган.

Шунингдек, вақти-вақти билан Ўрта Осиё хонликларида ташриф буюрган ҳайъат ва элчилар ҳам ушбу тақяларда қабул қилинган.

Мазкур тақялар орасида сиёсий ва дипломатик жиҳатдан фаол бўлган Истанбулдаги икки тақянинг фаолиятига тўхталиб ўтамиз:

1. Султонтепа мавзесидаги ўзбек тақяси

Истанбулнинг Ускудор қисмидаги Султонтепа мавзесида жойлашган ўзбек тақяси ўз даврида мавжуд тақялар орасида энг муҳимларидан бири эди. Аслида мазкур тақянинг ижтимоий-диний жиҳатдан кўра сиёсий томондан аҳамиятли маскан бўлиб хизмат қилган.

Мазкур тақянинг иншо этилиш сабабларини Ғарб тадқиқотчиларидан Мартин Смит қуйидагича изоҳлайди: “XVIII асрга қадар Туркистондан ҳажга йўл олган зиёратчилар Истанбулда бир неча кун қолар ва Истанбулнинг Ускудор қисмидаги Султонтепада ўзига хос нақшинкор ипак чодирларини тикар эдилар. Кунлардан бир куни Усманий Султонларидан (Султоннинг исми қайд этилмаган) бири оддий фуқаро кўринишида Истанбулни кезар экан, нақшинкор ипак чодирлар эътиборини тортади ва ўзбек зиёратчиларни олдиға бориб улар билан суҳбат қуради. Суҳбатдан мамнун бўлган султон, зиёратчилар йўлбошчиси бўлмиш Нақшбандий шайхига келажакда ўзбеклар учун бир тақя қуриш ваъдасини беради”.

Шунингдек, Мартин Смитнинг маълумотиға кўра, Султонтепа мавзесидаги ўзбек тақяси масжидининг кириш қисмида, тақя ва масжиддан иборат мажмуанинг Усманий Султони Мустафо III (1757–1774) ҳукмронлик қилган давр 1757 йилда қуриб битказилгани қайд этилган.

Ўзбек тақялари Ўрта Осиёдан борган шайхлар томонидан бошқариб борилган. Жумладан, Султонтепадаги ўзбек тақясининг шайхи келиб чиқиши самарқандлик Саййид Абдуллоҳ Ал-Акбар (ваф. 1776) томонидан бошқарилган. Тақя, шайх Саййид Абдуллоҳ вафотидан кейин унинг авлодлари томонидан идора этилган. Шунингдек, Истанбулнинг бошқа тақяларида ҳам айнан мазкур шаклда, яъни тақя шайхи вафот

этгач, тақя унинг авлодлари томонидан бошқарилган. Ускудордаги ушбу ўзбек тақяси, асосан, нақшбандий дарвишлари ва мусофирларнинг қоладиган маскани бўлиб хизмат қилган.

Мазкур тақя, асосан, Туркистондан ҳажга йўл олган зиёратчилар учун қўналға вазифасини бажариб келган. Тақяга ташриф буюрган меҳмонлар ҳар доим қайд этилиб борилган. Қайдлар учун “Куня дафтари” ва “Расмий меҳмонлар дафтари” деб номланган икки дафтар бўлиб, дафтарларда ташриф буюрган меҳмонларнинг исм-шарифлари, туғилган жойлари ва ташриф саналари ўрин олган. Шунингдек, куня дафтарларида меҳмонларнинг исм-шарифлари билан бир қаторда, уларнинг шаклу шамоиили ҳақида ҳам қисқача маълумотлар қайд қилинган.

Мусофирларнинг аксариятини Туркистоннинг Тошкент, Қўқон, Самарқанд, Бухоро, Марғилон, Андижон, Наманган, Қорақўл ва Ўшдан келганлар ташкил этади.

2. Бухоро ўзбеклари тақяси

Истанбул шаҳрининг Султон Аҳмад қисми шаҳарнинг энг гавжум нуқталаридан бири ҳисобланади. Маълумки, Истанбул шаҳри Усманийлар давлатининг пойтахти бўлиб, Султон Аҳмад жоме масжиди жойлашган қисми шаҳарнинг марказий қисми бўлиб, саройга ҳам энг яқин ҳудуддир. Мазкур марказий ҳудуддан Усманийлар Султонлигининг муҳим давлат аҳамиятига молик муассасалари ўрин олган бўлиб, улардан бири бу Меҳмет Пошо Ёқушу маҳалласидаги ўзбек тақяси²дир. Тақя ўз даврида Бухоро ўзбеклар тақяси, Ўзбеклар даргоҳи номлари билан машҳур бўлган. Тақя 1692-1693 йилларда Истанбул шаҳри дафтардори² Исмоилбей томонидан қурдирилган. Тақя Ўрта Осиёдан ҳажга отланган ҳожилар учун қўналға вазифасини бажариши билан бир қаторда, талабалар учун ётоқхона, дарсхона ва кутубхоналари билан ижтимоий-маданий ҳамда илмий ҳаёт ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келган. Шунингдек, ушбу тақя Туркистондан келган мусофирлар, талабалар ва тижоратчилар учун турли ёрдамлар кўрсатиб турган.

Бухоро ўзбек тақяси дастлабки йилларда бошқа тақялар сингари оддий мусофирхона вазифасини бажариб келган бўлса, кейинчалик,

² Усманий Султонлари саройида хазина қирим чиқимлари, сарой қоровуллари маоши ҳамда ҳукмдорнинг шахсий харажат ва даромадларини назорат қилиб боровчи амалдор. Қаранг: Öner, Erdoğan (2001), Mali Olaylar ve Düzenlemeler Işığında Osmanlı İmparatorluğu ve Cumhuriyet Döneminde Mali İdare, Maliye Bakanlığı Araştırma, Planlama ve Koordinasyon Kurulu Başkanlığı, Yayın No: 2001/359, Ankara. -S 20.

яъни асли келиб чиқиши бухоролик бўлган Шайх Меҳмед Афандининг (1861 йилда вафот этган) шайхлик йилларида (XIX асрнинг 50 йиллари) Усманийлар Султонлиги маданий-сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнай бошлади.

Шайх Меҳмед Афандининг истаклари Усманий Султонлари томонидан алоҳида эътибор билан қондирилар эди. Жумладан, Шайх Меҳмед Афанди холаси Шарифа Фотимахонининг ҳажга кетаётганлиги муносабати билан холасининг Мадинада қолиши учун шароит яратиб беришларини сўранб Усманийлар Садриъзамига³ мурожаат йўллайди. Шайхнинг мурожаати ижобий қондирилиб, Садриъзам томонидан зарур тайёргарликларнинг кўрилиши учун Ҳарам шайхи ва Мадина шаҳри бошқаруви мудирига буйруқ йўлланади.

Шайх Меҳмед Афандидан кейин така қуйидаги шайхлар томонидан бошқарилган: Шайх Абдуллоҳ Афанди, Шайх Яҳё афанди, Шайх Меҳмет Саид Афанди, Шайх Абдуллоҳ Афанди, Шайх Сулаймон Афанди, Шайх Мирзо Олим Мухаммад, Шайх Буюк Абдулмажид Афанди, Шайх Абдурраҳмон Афанди.

Келиб чиқиши ўзбеклардан бўлган нақшбандий шайхларининг бошқарувидаги Султон Аҳмаддаги ўзбек такаси Ўрта Осиё хонликлари билан Усманийлар Султонлиги ўртасидаги сиёсий ва маданий алоқаларни тартибга солувчи дипломатик ваколатхона вазифасини бажариб келган. Ўз навбатида, така бошқарувчилари бўлмиш шайхлар Ўрта Осиё хонликларининг Истанбулдаги дипломатик миссияси вакиллари вазифасини бажаришган.

Бухоро ўзбек такасининг Шайх Сулаймон Афандининг шайхлик йилларида яна таъсир доираси кенгайди. Шайх Сулаймон Афанди ҳам 1821 йилда Бухоро яқинидаги Қорақўл шаҳрида туғилган. Туркий тиллар, форс тили ва араб тилини мукамал биладиган шайх 1844 йилда ҳаж ибодатини адо этиш ниятида Ҳижозга йўл олади ва у ерда уч йил яшаб қолади. 1847 йилда Бухоро амирининг буйруғи билан Истанбулга келади ҳамда Бухоро ўзбек такаси шайхлиги вазифасига киришади.

Усманий султонларидан Абдулҳамид II (1876–1909)нинг ҳукмронлик йилларида така фаолияти ривож учун алоҳида эътибор қаратилди. Така шайхи Сулаймон Афанди ва Султон Абдулҳамид II ўртасида яқин дўстлик алоқалари ҳам бўлгани манбаларда қайд этилади. Султон билан самимий алоқада бўлиши билан бир қаторда, Шайх Сулаймон Афанди Истанбулдаги Европа мамлакатлари элчилари билан ҳам яқин

алоқада бўлган. Жумладан, Буюк Британиянинг Истанбулдаги элчиси билан русларнинг Ўрта Осиёга юриши борасида музокаралар олиб борган [2: 205]. Шунингдек, шайх Сулаймон Афанди 1877 йилда Венгриянинг Будапешт шаҳрида ташкил этилган “Турон Конгресси”даги ҳайъатга раҳбарлик қилиб, Султон Абдулҳамид II номидан қатнашиб қайтади.

Шу каби мисоллардан маълум бўладики, Шайх Сулаймон Афанди нафақат бир така шайхи, балки Усманийлар ва Ўрта Осиё хонликлари ўртасида юксак мартабали дипломат сифатида муҳим роль ўйнаган.

Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярми Ўрта Осиёга Чор Россияси истилосининг илк босқичлари ҳисобланади. Бу даврга келиб, Ўрта Осиё хонликлари Усманийларга ўз элчиларини юбориб турли музокаралар ўтказишади. Хусусан, Туркистондан келган бир гуруҳ элчилар Бухоро ўзбек такасида қолиб Шайх Сулаймон Афанди ҳамроҳлигида Усманийлар давлати ва инглиз ҳукумати вакиллари билан музокаралар ўтказишган.

Шунингдек, Шайх Сулаймон Афанди Туркистондан ҳажга келаётган мусулмонлар учун Жидда шаҳрида ҳам бир така қуриш кераклиги ҳақидаги таклифига Султон Абдулҳамид II ижобий жавоб беради ва 1876 – 1877 йиллар орасида Жиддада бир ўзбек такаси қурилади.

Маълумки, Усманийлар Султонлиги парчалангандан сўнг ҳудудлари қисқариб, Кичик Осиё яриморлида Мустафо Камол томонидан Туркия Республикасига асос солинди. Республика ташкил этилгач, диний муассасалар кескин қисқартирилди. Жумладан, такаларнинг ҳам аксар қисми ёпилиб, вақф мулклари давлат ихтиёрига ўтказилган бўлса-да, мазкур Бухоро ўзбек такаси Мустафо Камолнинг махсус буйруғи билан ўз фаолиятини 1980 йилга қадар ўз фаолиятини давом эттирди. Така биноси 2008 йилдан эътиборан эса Истанбул Эминўну тумани ҳокимлиги томонидан Дизайн маркази сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Умуман олганда, мазкур такалар мамлакатлар, халқлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнаган ҳамда ўз вақтида зиёратчиларнинг турли муаммоларини ҳал этишда ҳам ўзига хос консулхона вазифасини ҳам бажарган. Масалан, узоқ бир ўлкадан келган бир миллат вакили ушбу такаларда ўз урф-одатлари, анъаналари ва тилларидан англайдиган ватандошлари ҳамда миллатдошлари билан бирга бўлишган, шу шаклдан бегона мамлакатларда қийналмасдан сафарларини давом эттиришган.

³ Усманийлар Султонлигида бош вазир вазифасини садриъзам бажарган (Муаллиф изоҳи).